

Ўзбекистон мустақиллигининг иккинчи йиллигини байрам арафасида Жиззах вилоятида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳрида 3 та шарқона услубда қурилган чойхона, бир қанча савдо дуконлари фойдаланишга топширилди. 1,5 километр йўлга асфальт ёғирилди. Шаҳарнинг «Истарна» «Урағналик», «Жиззахлик» маҳаллаларида ҳам савдо ва маҳаллий хизмат кўрсатиш шохбозлари қурулмоқда.

Ўзбекистон адабиёти

Инсоннинг фазилатлари ичида ҳиммат, қўли очилик зиннатлари борки, бу кишилар ҳаётини жилаб, сайқаллаштиради. Уларнинг эл орасида обрў-эътиборини ошириб, ҳурмат ва таъсирларга сазовор этади. Ҳимматли кишиларнинг қиммати унинг мурувватлигидадир. «Ҳиммат ҳар нарсадан қиммат», деб доно халқимиз бежарга айтмаган. Чунки ҳиммат бировнинг таъйин-қисис, виждонан қилинади. Ҳимматли киши бошқаларнинг ҳолатини чиқариши учун ҳам шарофатлидир. Бу борада буюк боболаримиз қолдирган жавоҳир санъатларига назар таштайлик-чи, бебаҳо инжулардан қайсики қувончга тўлади. Ҳазрати Хасан Деҳлани ҳиммат ҳақида шундай деган эканлар:

«Ҳиммат агар бўлса ҳиммат,
Эски кийимда ҳам зўрдири иззат».

Дарҳақиқат ҳимматнинг меваси ҳурмат ва иззатдир. У соҳибига фанат хушнуд қилиб қўлади. Ҳимматли кишиларнинг бағри кенг, қўли дарё, чеҳраси очик, дили шок бўлади. Бундай бегубор қалб эгаларининг бировнинг ҳолатини миннатсиз адо этадилар.

Юзларидан нур ёғиб турган инсонлар мурувватли бўладилар, улар ҳамиша одамларга яхшилик қилиш кўйида эканлар. Кейинги вақтларда ҳимматли одамлар ўзини таъзимчилар эгаллаб бораётганлиги кишини ташвишлантиратди. Шундай одамларга ишнинг тушса, улар аввал обдон ўйлаб кўради, сиздан фойда келадиган бўлса, хўп дейди, атар наф кўрмаса бўладиган ишнинг ҳам бит-казмайди. Аммо шўхроналик билан шунини қайд этиш керакки, ҳали жамиятимизда диниётли, ҳимматли кишилар кўп. Виксон, саломат, ҳимматли киши инсонийлик зиннатлари, ҳимматли кишилар қалбига жилабдики, ҳимматли кишилар юртимизда ободлик келтирмоқда.

Шу ўринда танишларимдан Сардорнинг Ҳолматга қилган ҳиммати, муруввати таъсирчан бўлган. Сардорнинг тақозоси билан Сардор шахарлик бўлиб қолган. Истеъдоднинг тиришқоқлигини кўриб, олий ўқув юртида олиб қўлишди. Титимсиз меҳнат, ялғиз чақоқлик аста-секин Сардорга фан сирларини очиб имконини яратди. Фан доктори бўлиб, кафедранинг бошқарди. Ҳолмат эса қишлоқда ўралиб, кетмонга суяниб қолди. Бунинг устига бир этак бола. Айниқса болаларнинг бўйи қўйилган сари. Ҳолматнинг ҳам танишиси Ҳасан бўлди. Ўзининг аҳолини кўриб Сардор ичиндан зил кетди, эртаё кеч меҳнат қилаётган дўстнинг турмуши юворилган эзилар, эзилган сайини Ҳолматга ҳурмат ортирди.

Ҳаёт ташвишлари Ҳолматни қайта-қайта оғир синодан ўтказарди. У дам олиш нима, курут нима, қимматли билмай ўтаётган бўлса-да, ўз ҳаётидан нолмас, оғир кунларни меҳнат билан енгиларига ишқорларди. Бу ҳол Сардорни кўп ўйлатишарди ва иҳтиёж дўстини оғир оғир оғир ҳиммат ишитиш оғир. Иккони бўлиб ҳаётга ҳолидан хабар оларди, ҳеч бўлмаса ширин сўзлар билан қўнғилиш қўлариди. Ҳолматнинг болаларини қўйишга, қизиктиришга қараб, бирини тиббиёт билими юртига, иккинчисини ҳисоб-ишти-

соқ техникумига, учинчи фарзанди Қимсанни эса ўзи ишлайдиган институтга ўқишга киришти қўмақлашди. Уларни худди ўз фарзандларидек меҳр-муҳаббат билан тарбияладилар.

Болалари ёнига кириб Ҳолмат анча тетиклашди, қадди ростланди. Дарҳақиқат, Сардорнинг олижаноблиги, дўстига қилган муруввати таъсирчан бўлди. Янгида бу икки дўст суҳбатлашиб турганда учралиб қолди. Ёшлари элликлардан ошиб, сочларига қиров қўнган, нигоҳларидан самимийлик балқиб турган икки дўстни кўриб қувонди, уларнинг суҳбатлари ҳам бегарас, бир-бири-

Қашиқдарё вилоти Чироқчи районида Қалчама совхози ҳудудига 60-йилларда Нарл Марис номли қолхоз бўларди. Ана шу ердан юк машинасида ўтириб Самарқанднинг Паст Дарғом районига Ҳайдар ва Исқандарлар меҳмондорчилиққа боришди. Аммо ўзлари билан ҳеч қандай ҳужжат олишмади (ҳужжат олиб юришлик у вақтларда расм бўлмаган). Паст Дарғомда кечки пайт милиция тўхтатиб, ҳужжатлар текширилса, ишлар чатоқ. Юк машинасида одам олиб юриш ҳам қонда қилол, қулласи-қалом қашиқдарёлик меҳмонлар жуда ноқулай аҳволда қолди. Шунда Ҳолмат Мурод отанинг эски таниши Ҳумалик Маҳкам ака тушиб келди. Навбатчи милиционерга Мурод ота мурожаат қилиб, Маҳкам акани топишга ёрдам беришни илтимос қилди. Бахтли тасодифи қарангки, Маҳкам аканининг ўзи милиция идорасидан унча узоқда эмас экан. Қуллас бир яхшининг шарофати билан меҳмонларнинг ҳурмати ўрнига қўйилди. Ҳўш, бу тафсилотларнинг сари нимада? Бунинг асосий сабабчиси яхшилик, ҳа фақат яхшилик!

Воқеа шундай бўлган: ўша вақтларда деҳқон-ўқит қилган Маҳкам ака бошқарувчи бўлиб Қашқадарё, Чироқчи райони аҳолисида, сарғе, жун сотиб олишга боришган. (Ўша вақтда бундай воқеалар кўп такрорланар экан). Қишлоққа-қашқадарё келиб чарчаган, очинган табиёрончилар Қалчама қишлоғига келиб, қўчада ўйнаб юрган болани қачирди: «Ўғлим, мана бу пулни олиб, уйларингдан бир-иккита нон олиб келинг», дейди. Бола пулни олмасдан, уйга чақиб бориб онасига қўчадаги одамлар нон сураётганини айтди. Она ўғлига нонини қўчага олиб чиқса ноқулай бўлишини тушутириб, «меҳмонларни уйга таклиф қилинг, чой ҳам далаб бераман», деб чиқариб юборди. Бола меҳмонларни олиб келиб, қанд-қурс, қаттиқча бор биситини дастурхонга қўйиб, баҳоли қудрат хизматини бажо қилди.

Ўша пайтда уй соҳиб Усмон Мурод ака келиб давра яна ҳам кенгайди. Меҳмонларнинг муддаосини билганда кейин «битадиган ҳолат экан, эртага ҳаммаси ҳал бўлади, ёр ҳам, жун ҳам», деб меҳмондорчилик то саҳарга чадом этди. Эртаси кун меҳмонларнинг ҳолати битказилиб йўлга кузатиб қўйилди. Мана азизлар, эгуликнинг катта-кичиги бўлмайди дегаларидек, яхшилик ерда қолиб кетмас экан.

Яхшиликнинг умрбонийлиги ҳақида юқорида тўхталгандек, унинг серрирралигига ҳам ҳеч ким шак келтирмасади. Худди шу жойда француз албидларини Вовенарнинг қўйидаги сўзлари эста тушди: «Яхшиликнинг фойдаси шу қадар равшанки, ҳатто ярамас одамлар ҳам фойдани қўзлаб яхшилик қиладилар».

Балли, худди мана шу ҳиммат бора-сида ҳам, қўли очилик мурувватлиликда ҳам кичик-кичик инжонлардан фойдаланиб юборилса, натижаси чакни бўлмайди.

Мусоқул УСМОНОВ,
профессор.

ХУСУСИЙ
МУЛК
СОҲИБЛАРИ

● Косонсой тумани маҳаллий хизмат ўқоқларини хусусийлаштириш жадал суръатларда бормоқда. Шу пайтга қадар 35 та модалар ателье-си, сартарошхона, фотостудия ўз эгасини топти. Энди энг муҳими — аъло хизмат билан миқозларни жалб қилишдир. Наманган вилотидаги хусусийлаштирилган бошқа корхоналар ҳам шу йўлдан боришга ҳаракат қилишмоқда. Вилотда ҳозиргача 700 га яқин корхона хусусийлаштирилди, 450 жаммо давлат тасарруфидан мулкчиликнинг бошқа шаклларида ўтказилди.

Вилотда хусусийлаштириш иши қўнғилдагидек кетаяпти. Аммо, муаммолар ҳам йўқ эмас. Улар асосан хомаша ҳамда бошқа материаллар таъминоти билан боғлиқ. Шундай бўлса-да, кишиларнинг ишбилармонлиги ҳамда моддий манфаатдорлиги барча муаммоларни ҳал қилиш йўлларини топиб бериши аниқ.

ЯНГИ УЙЛАР
МУБОРАКИ

● Оқолтин туманида бир вақтнинг ўзига қурилиш бўйича еттига кичик корхона ташкил бўлди. Бу корхоналар уй қураётган одамларнинг қурилиш материаллари ҳамда ички кучига бўлган эҳтиёжни туғайли вуқудга келди.

Туманда саккиз мингта яқин онла уй қуриш учун кенг-мўл жой олган эди. Ҳамма ншга берилиб киришиб кетди. Янги кичик корхоналар ҳозирнинг ўзига мингта яқин онланнинг уйини битириб берди.

(Ў.А.)

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ «ҲОЖАТБАРОР» ТАРҒИБОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ
МУАВОҚОТ УЧУН ТЕЛ: 33-44-43, 32-54-44, 32-56-34, 32-56-25
БУЮРТМАЛАРИНГИЗ ТЕЗДА АДО ЭТИЛАДИ

شرکت حیدر جواز جانی لمته

HAI DAR JAWZJANI Co. Ltd.

ХОНАДОННИГИЗГА ЗАМОНАВИЙ ВА
СИФАТЛИ УЙ АНЖОМЛАРИ ҲАМДА
МАДАНИЙ МОЛЛАР СОТИБ
ОЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

АФФОНИСТОННИНГ «ҲАЙДАР
ЖОЗЖОНИ Со. ЛТД» ФИРМАСИ
ЎЗ ХИЗМАТИНИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ушбу фирмдан Японияда ишлаб чиқарилган
«Панасоник» телевизорларини, «Шваки»,
«Панасоник» видеокамераларини, вентилятор-
ларни, уч соат давомида Сизга ҳузур бахш этувчи
«Е-195» видеокассеталарини, Тайванд
тайёрланган «Тикон» деб аталувчи ва бошқа
бежирим газмолларни сотиб олишиниз мумкин.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: Тошкент, Усмон Юсупов кў-
часи, 1-уй, «Ҳайдар Жозжони. Со. ЛТД» фирмаси.
ТЕЛЕФОНЛАР: 41-06-31; 41-13-50.

ТОШКЕНТДАГИ ТАШКИЛОТ

— ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛА-
ДАН ҚУРУҚ ПИЕЗ, САБЗИ, ҚАРАМ, ҚИШМИШ, БАРГАК, ТУР-
ШАК, КАМПОТ УЧУН ҚУРУҚ МЕВАЛАР АРАЛАШМАСИ, ЕРЕН-
ҲОҚ, ЕНҲОҚ, БОДОМ, ГУРУЧ, УЗУМ;
— ЕҲОҚ-ТАХТА, ДВП, ДСП, ФАНЕР;
— ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИ;

СОТИБ ОЛАДИ

— МТЗ-80 Д-240, МТЗ-80 Д-243 МАРКАЛИ ТРАКТОРЛАРНИНГ
ДВИГАТЕЛЛАРИНИ;
— ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ;

СОТАДИ

УШБУ ТАШКИЛОТ ҚОЗОҒИСТОН ВА РОССИЯДАН ЎЗБЕКИС-
ТОНГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ УТҚАЗИЛИШНИ ТАЪМИН-
ЛАЙДИ.
ҚУШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТОШКЕНТДАГИ ТЕЛЕ-
ФОНЛАР: 8—(3712)-68-73-34; 34-34-09.



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ
ТЕЖАШ ҲАМ ЖИҲАТДАН
МАНФААТЛИ

Ишлаб чиқаришнинг барча жа-
ҳаларида ва маҳаллий турмушимизда
ҳар кун, ҳар соатда фойдаланила-
диган беминнат электр энергияси
мазут, кўмир, газ ва бошқа энерге-
тика хом ашёларини кўп миқдорда
ёқиб ҳисобига вуқудга келтирилади.
Демак, дастгоҳларни ҳаракат-
га келтираётган, хонадонимизни
нурафшон қилиб турган, турли-
туман уй-рўзгор буюмларининг уз-
луксиз ишлашини таъминлайдиган
электр энергияси она табиятдан
олинмайдиган бебаҳо бойликлар эва-
зига ҳосил қилинади. Шунинг учун
ҳам электр энергиясидан тежаб-
тергаб-фойдаланиш, унинг исроф
бўлишига йўл қўймаслик ҳар би-
римизнинг жамият ва она табият
олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Электр энергияси сарфини ка-
майтириш учун ҳар би киши ўз
хонадонига ёриткичларнинг худа-
беҳуда ишлатилишига йўл қўймас-
лиги зарур. Уларнинг ўз вақтида

ўчирилишини ёддан чиқарманг. Бу
борадаги тежамкорлик давлатга
ҳам, ҳар бир онлага ҳам манфаат-
лидир. Агарда бир киловатт соат
электр энергияси тежалса, шунинг
ҳисобидан 120 килограмм нон маҳ-
сулотларини пишириш, 30 кило-
грамм шакар тайёрлаш ёки 1 метр
газлама тўқиш, 1 жуфт пойабзал
тикиш мумкин бўлади. Онлада эса
электр энергиясига тўланадиган ҳақ
сезиларли даражада камайд.

Ҳар бир хонадонда тежамкор-
ликнинг энг оддий талабларига амал
қилинганда ҳам онладаги турмуш
қулайлигига ҳеч қандай путур ет-
казмаган ҳолда ойига 20 киловатт
соат электр энергиясини иқтисод
қилиш мумкин. Мустақиллики
мустақамлашга интилаётган рес-
публикамизнинг барча фуқаро-
ларини электр энергиясидан
тежаб-тергаб фойдаланишга даъват
этамиз.

«Энергоназорат» корхонаси.

МУШТАРИЙ ИАҲОМИ

Салом Қарим Бухорода
туғилган. Кўп йиллардан бе-
ри Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Олий мактабига иш-
лайди. Ҳозир мазкур илм-
нинг фалсафа кафедраси до-
центи. У ўрта мактабда тах-

сил кўриб юрган пайтлари-
дан бери шеър маъқ қилади.
Ватан истислоли, инсон эрки
ва қамолоти, маънавий гў-
заллик, ишқ-муҳаббат, уму-
минсоний қадриятлар ҳосия-
ти ҳақида қалам тебратишини
хуш кўради.

ЭРК


Мустақиллик чинди қолиб, жон билан қонимда эрк.
Хуррият иқболи кудди, меҳру виждонимда эрк.
Шум ниятлар даври ўтди, сўзмада эзу тилас.
Истиқлол уфқи мунаввар-нурли имонимда эрк.
Тақдирим айлай ижод келди яратқор дамлари.
Мазмун бахт-ла тўлиқ, фурсати онимда эрк.
Шод музаффар юртимиз эъзозлагай кўз устида,
Жанҳари олий мақом созу имконимда эрк.

Икки йилдан буён, ёз фас-
лида Тошкент вилоятидаги
Паркент туманининг сўлим
ғўшалари бағрига ёш фазо-
гирлар тўпланмади.

Бу йилги Халқаро ёзги аз-
роқосмик ва компьютер мак-
табига покистонлик мактаб
ўқувчилари ҳам таширф буюр-
дилар. Шу билан бирга ёшлар
ҳузурига Москва давлат до-
рилфунуни профессор-ўқи-
тувчилари, ҳамюртимиз кос-
монавтар аъзоси (у Москва-
даги машҳур «Звездный горо-
док»да истиқомат қилади)
Солжон Шариповлар келиш-
ди.

СУРАТЛАРДА: (чапдан
ўнгга) Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентлиги девоин
масъул ходими, техника фан-
лари номзоиди Насиматон Рў-
зиев, космонавтар аъзоси
Солжон Шарипов, Халқаро
муҳандислар академиясининг
академиги, Ўзбекистон ФА
мўҳбир аъзоси, Тошкент маши-
насозлик конструкторлик бю-
роси бош директори Шавкат
Воҳидов, Улугбек номдаги
иқтисодий ишларини қўллаш
республика жамағатмаси бош
директори Абдуқодир Норку-
ловлар суҳбатлашмоқда; Тош-
кентдаги 73-мактаб ўқувчиси
Музаффар Тошхўжаев ўзи ас-
ган ракетага қўздан кечиря-
пти.

А. МАМАДАМИНОВ
олган суратлар.



Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Ўзбекистон таҳрири хайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ,
М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош му-
ҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўрин-
босари), О. ГОҒФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФҲОЖОНОВ,
К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Респуб-
ликаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўз-
плодоовощвинпром» концерни, Ўзбе-
кистон Республикаси Адлия вазирлиги,
«Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жа-
моаси.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари —
32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Иқтисодий ҳаёт
бўлими — 32-56-34. Қорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиш бўлими — 32-56-33. Маданият,
адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий
органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бээтиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г-481. 29880. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга тайинириш вақти 21.00. Босишга тайинирилди — 21.10

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.